O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 6 август, № 154 (4817) Пайшанба

**МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР.**

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 5 август куни Грузия ҳамда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Георгий Кублашвили ва Руперт Жой ишонч ёрлиқлари топширди.***

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, дипломатларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланганини билан қутлади, юртимизда бошлаётган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу икки давлат билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон — Грузия муносабатлари 1995 йилда имзоланган Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома руҳида ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўзаро манфаатдорлик ва дўстлик тамойилларига асосланади.

Иқтисодий соҳада савдо-сотиқ ва транспорт коммуникациялари йўналишидаги алоқалар алоҳида ўрин тутади. Айни пайтда Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия савдо-сотиқ борасида анъанавий маҳсулотлар билан чекланмасдан, янги товарларни айирбош қилиш имкониятларини кўриб чиқмоқда. Хусусан, Грузия томони Ўзбекистондан фақат пахта ё транзит юк эмас, буғдой ҳам импорт қилиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Г. Кублашвили Ўзбекистон билан Грузия ўртасида анъанавий дўстона муносабатлар қарор топганини, ҳамкорлик кўламини имкон қадар мавжуд имкониятлар даражасига етказишни ўзининг асосий вазифаси, деб билишини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатлар кўлами кенг бўлиб, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда жадал ривожланиб бормоқда. Шу билан бирга, Буюк Британия Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббусларини юқори баҳолайди ва мамлакатимиз билан сиёсий ҳамкорликни юксак қадрлайди.

Буюк Британия Ўзбекистоннинг Европадаги йирик савдо-иқтисодий шерикларидандир. Ўзбекистонда Буюк Британия сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган 195 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, ушбу мамлакатнинг 55 та фирма ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган.

Гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам жадал ривожланмоқда. Тошкентда очилган Халқаро Вестминстер университети олий таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг ёрқин натижасидир. Икки мамлакатнинг қатор олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланган. Академик доиралар илм-фаннинг турли соҳаларида қўшма тадқиқотлар олиб бормоқда.

— Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бормоқда, — деди элчи Р. Жой. — Биз савдо-иқтисодий алоқаларни, бизнес вакилларининг бевосита мулоқотларини ривожлантириш, таълим соҳасидаги ҳамкорлик кўламини кенгайтириш йўналишларидаги ишларни фаоллаштиришни кўзда тутмоқдамиз.

**(ЎзА).**

## ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗ ИФОДАСИ



***Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз хотин-қизларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.***

**Ижтимоий ҳимоя**

Табиийки, бу жараёнда уларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам катта аҳамият касб этаяпти. Шу боис бугунги кунда жойларда касб-ҳунар марказлари фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида иш бошлаган "Кўнгил нури" маркази ҳам хотин-қизлар ва оилаларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида самарали фаолият юритиб келаяпти.

— Асосий мақсадимиз хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган, — дейди марказ раҳбари Ойзода Нурумбетова. — Шу мақсадда бу ерда ўндан ортиқ касбларга ўргатувчи курслар ташкил этганмиз. Ўзимизнинг тикув цехимиз ҳам бор. Айни пайтда бу ерда ўттиз нафардан зиёд хотин-қиз миллий либослар тикиш, гилам тўқиш билан машғул. Яна бир муҳим жиҳати, бу имконият натижасида кўплаб хотин-қизлар муқим иш ўрни билан таъминланди.

**СУРАТДА:** марказ раҳбари (ўртада) қизлар даврасида.

**Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА)**
**олган сурат.**

## ИСКАНДАРИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АСАРИНИНГ ТАҚДИМОТИ

***Искандария шаҳри (Миср) губернаторлиги Халқ кенгашида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда Искандария Халқ кенгаши раиси Тарик Алки, маҳаллий кенгаш депутатлари, илмий-таҳлилий доиралар вакиллари, олимлар, шунингдек, "Миср — Ўзбекистон" дўстлик жамияти аъзолари қатнашди.***

**Дунё нигоҳи**

Иштирокчиларни қутлар экан, Т. Алки икки мамлакат халқларини умумий тарих, дин, ўхшаш маданият, маънавият ва анъаналар бирлаштириб туришини қайд этди. Ўзбекистоннинг миллий-маънавий меросни асраш ва бойитиш борасидаги сиёсатига тўхталиб, у "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида кўтарилган масалалар мисрликлар учун ҳам муҳим ва фойдали эканлигини таъкидлади.

"Миср — Ўзбекистон" дўстлик жамияти аъзоси, ҳуқуқшунос Вагеф Юсуф Ўзбекистон Президентининг китобини катта қизиқиш билан ўқиб чиққанини қайд этди. "Асарда келтирилган эзгулик ва олижанобликка даъватлар барчада катта қизиқиш уйғотади ва ҳар бир китобхон қалбидан жой олади", деди олим.

"Нажм ал-Ватани" ("Ватан юлдузи") газетасининг маъмурий кенгаши раиси Носир Абдулмажид Ўзбекистон Президентининг бошқа асарлари билан ҳам яхши таниш эканини айтиб, мазкур асардан ҳам қизиқарли ва фойдали маълумотлар олганини қайд этди. "Юксак маънавият — енгилмас куч" китоби, айниқса, ёшлар учун фойдали бўлиб, улар асардан ҳар томонлама ривожланган шахс бўлиб етишиш учун зарур бўлган омиллар хусусидаги қимматли ғояларни олишлари мумкин", деди журналист.

Шу куннинг ўзида "Миср — Ўзбекистон" дўстлик жамиятининг Искандария шаҳри бўлимида Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил биринчи ярим йиллигидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти натижалари, шунингдек, мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган брифинг ўтказилди.

Иштирокчилар эътиборига Ўзбекистонда 2009 йил биринчи ярим йиллигида эришилган иқтисодий натижалар тўғрисидаги ахборот ҳавола этилди. Шунингдек, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган тадбирларнинг муваффақият билан амалга

(Давоми 2-бетда).

**Август — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой**

***"Халқ сўзи" газетасининг 2009 йил 4 август сонидаги бошловчи мақолада таъкидланганидек, ҳақиқатан ҳам, пахта ҳосилининг тақдири айни шу ойда ҳал бўлади.***

## ҒЎЗА МЕҲРДАН ЯШНАЙДИ



Чунки кўсакларнинг бўлиқ бўлиши, гулларнинг кўсакларга айланиши ҳозир бажариладиган агротехника тадбирларининг сифатига боғлиқ. Шу маънода, ёзнинг сўнгги ойи деҳқон учун энг тиғиз давр бўлиб, бунда масъулият кўпроқ сувчи ва механизаторлар зиммасига тушади. Боиси — ғўза ривожи жараёнида унга етарли миқдорда сув, озуқа ҳамда ҳарорат зарур.

Бу йилги кўкламда 38 гектар ерда чигитни тўлиқ ундириб олдик. Бугунги кунда пайкаллардаги белга уриб қолган ғўзаларнинг ҳолатидан кишининг дили яйрайди. Лекин экиннинг кўкига қувониб бўлмайди, айтмоқчиманки, ғўза қатор ораларига ишлов беришни сусайтирмаслик керак. Зеро, асад ойининг ҳар бир кунидан унумли фойдалансак, кўсаклар сони янада ортади.

Маълумки, август ойида ғўзанинг сувга бўлган талаби ортади. Чунки бу даврда экин салгина чанқаб, ерда намнинг йўқолиши ниҳолнинг гул ташлашига олиб келади. Шуни ҳисобга олиб, хўжалигимизнинг беш нафар мироби куну тун даладан чиқмаяпти. Биз, уч нафар механизатор ҳам "Экин шикаст топмасин, ҳосил нишоналари тўкилмасин", дея тракторимизнинг ишчи органларини "балиқ сирти" қилиб, ҳимоя воситалари билан ўраган ҳолда ишлатаяпмиз. Ҳозиргача қатор ораларига 8-9 мартадан ишлов бердик. Эндиликда пайкалларга агрегатларни навбати билан кунора киритяпмиз. Бунинг натижасида эгатларга таралган сувнинг нами узоқ сақланади, тупроқ майин тортиб, экиннинг озуқа, ҳаво олиш имконияти кенгаяди.

Айни кунларда бошқа агротехника тадбирлари ҳам изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, қиз-жувонларимиз чеканка қилиш билан машғул. Пайкаллар четидаги ҳандақларда маҳаллий ўғит "шарбат"га айлантирилиб, жўякларга оқизилаётир.

Бир сўз билан айтганда, ғўза деҳқон меҳридан яшнайди. Шу боис ишловни терим бошлангунга қадар давом эттиришга аҳд қилганмиз. Шунда гектаридан 36 центнердан пахта етиштириш юзасидан белгиланган шартнома мажбуриятимиз ортиғи билан уддаланишига ишончим комил.

**Одилжон ЁҚУБОВ,**
**Наманган туманидаги «Ботиржон Исаев» фермер хўжалиги механизатори.**

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***САМАРҚАНД шаҳридаги ёшлар марказида «Юксак маънавиятли ёшлар — Ватан таянчи» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

### Давра суҳбатида — ёшлар мавзуи

Тадбир Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида республикамиз бўйлаб ўтказилаётган ёшлар форуми доирасида ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

### Фермерларга — янги техникалар

***НАМАНГАН. Фермер хўжаликларини техника билан таъминлашга "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси вилоят филиали яқиндан ёрдам кўрсатмоқда.***

Ўтган давр мобайнида фермерларга имтиёзли шартлар асосида 1 миллиард 289 миллион сўмлик қишлоқ хўжалиги техника ва механизмлари етказиб берилгани буни исботлаб турибди. Олинган янги техникалар орасида 31 та "ТТЗ-80" трактори ҳам бор.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Нишон момиқлари — хорижга

***ҚАШҚАДАРЁ. "Нишоннуртекс" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилмоқда.***

Жумладан, корхонада қиймати 42 минг АҚШ долларига тенг, момиқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган 6 та замонавий ускуна ўрнатилди. Натижада маҳсулот сифати яхшиланиб, ишлаб чиқариш ҳажми бир ярим бараварга ошди. Айни пайтда ушбу маҳсулот Россиядаги қоғоз саноати корхоналарига экспорт қилинаётир.

**Ф. БОЗОРОВ.**

***СИРДАРЁ. Сўнгги йилларда вилоятда балиқчилик ривожланиш йўлига чиқиб олди.***

### Маҳсулот уч ҳисса ортди

Аниқроқ айтганда, кейинги йилларда бир қатор янги балиқчилик хўжаликлари ташкил этилди ҳамда уларнинг умумий сони 20 тадан ошди. Шу кунларда ушбу хўжаликларга қарашли табиий ва сунъий кўлларда 28 тонна чавоқ парваришланмоқда. Сирдарёлик балиқчилар бу йил ҳар йилгидан уч баравар кўпроқ балиқ етиштиришни мақсад қилишган.

**А. ШЕРНАЗАРОВ.**

***ЖИЗЗАХ. Пахтакор шаҳрида ташкил этилган Ўзбекистон — Италия — Хитой қўшма корхонасида "Муиға" русумли телевизорнинг илк нусхаси тайёрланди.***

### Пахтакорнинг «Муиға» телевизорлари

Ҳозир ушбу корхонада 50 нафар киши меҳнат қилмоқда. Жамоа аъзолари йил охирига қадар 2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни мақсад қилишган.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ҲАЖМИ КЕНГАЙМОҚДА

**Бир рақам шарҳи**

**2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш ҳажми**

**18,5 фоизга ўсди.**

***Ўтган давр мобайнида республикамизнинг барча ҳудудларида Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурини ижро этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилгани туфайли соҳада шундай ижобий ўсиш таъминланди.***

*Жаҳон иқтисодиётида кечаётган молиявий-иқтисодий таназзул дунё мамлакатлари, шунингдек, қатор ривожланган давлатларнинг иқтисодий сиёсатини синовдан ўтказмоқда. Олимлар, соҳа мутахассислари ҳақли равишда йигирма биринчи асрнинг энг йирик молиявий-иқтисодий инқирози, дея таъриф бераётган бу бўҳрон "шок терапияси" усулида бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтаётган давлатларнинг иқтисодиётига, аҳолисининг моддий аҳволига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Бу йўлдан борган давлатларда миллий валюталар кескин қадрсизланиб, аҳолининг истеъмол салоҳияти тушиб кетди. Буни, айниқса, айрим собиқ иттифоқ мамлакатлари иқтисодиёти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Инқироз, ҳатто, иқтисодиётга давлатнинг ҳар қандай аралашувини инкор этадиган жамиятларда ҳам қонунлар доирасида тартибга солиш масаласи муҳокама этилишига сабаб бўлмоқда.*

# ПУХТА ВА ИЗЧИЛ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ

## мамлакатнинг барқарор тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда

Ҳаётий мисоллар таҳлилини баҳолаш натижасида хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳнамолигида олиб борилаётган иқтисодий сиёсат пухта ўйланганлиги ва оқилона танлангани билан ажралиб туради. Мамлакатимиз иқтисодиётида эришилаётган барқарорлик ва юқори ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлигининг изчил яхшиланиб бораётгани нафақат кундалик ҳаётимизда ўз инъикосини топмоқда, балки нуфузли халқаро ташкилотлар, экспертлар томонидан эътироф этилаётир. Хусусан, мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги ҳамда пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллиги муносабати билан БМТ Бош ассамблеяси Раиси Мигель д'Эското Брокманнинг Президентимизга йўллаган табригида Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йиллариданоқ жаҳон иқтисодиётига интеграциялашган кучли миллий иқтисодиётни шакллантириш устувор йўналиш этиб белгилангани таъкидланган. Кейинги ўн йил давомида мамлакатимиз давлат бюджети харажатлар қисмининг 50 фоиздан ортиғи ижтимоий эҳтиёжларга йўналтирилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Яна бир мисол. Маълумки, Ўзбекистон 1992 йили Халқаро валюта жамғармасига аъзо бўлганди. Ушбу молиявий институт Низомининг 4-моддасига биноан, Халқаро валюта жамғармаси миссияси ҳар йили мамлакатимизга ташриф буюриб, банк-молия соҳасига доир бир қатор масалаларда маслаҳат ва музокаралар ўтказади. Ўтган йили Халқаро валюта жамғармасининг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директори ўринбосари Сена Экен хоним бошчилигидаги миссия томонидан Ўзбекистонда иқтисодий барқарорлик сақлаб қолингани, ялпи ички маҳсулот ўсиши 9,3 фоизни ташкил этгани, айни пайтда ташқи савдода — ижобий сальдо, бюджетда — профицит кузатилгани қайд этилди. Буни мамлакатимизга яқинда ташриф буюрган Жамғарманинг фармойиш берувчи директори Доминик Стросс-Канн ҳам эътироф этди. Булар, табиийки, ҳар биримизга ғурур, ифтихор бағишлайди.

Бу ютуқ ва эътирофларнинг тагзамирида халқимизнинг фидокорона меҳнати, пухта ўйланган ва прагматик иқтисодий сиёсатнинг амалга оширилиши ётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чораларнинг ўз вақтида ва изчил кўрилиши туфайли инфляция даражасининг ўсиши, ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ташқи савдонинг салбий баланси, инвестицион фаолликнинг сусайиши, ишсизлар сони ортишининг олди олинди ва шу билан бирга, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва юқори ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Хусусан, 2009 йилнинг ўтган олти ойи давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,2 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,1 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 13,1 фоизга, хизматлар кўрсатиш 18,5 фоизга кўпайгани ҳам ана шу йўналишда бажарилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг амалдаги

**Мушоҳада**

рўёби, албатта. Айниқса, банк тизимининг барқарор фаолият юритишига эришилгани жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимизнинг 8 та банки халқаро рейтинг агентликларининг ижобий рейтинг баҳоларини олди. Жумладан, "Ўзмиллийбанк", "Асакабанк", "Туронбанк", "Алоқабанк" "Мудис" компаниясининг, "Микрокредитбанк", "Агробанк" ва "Ўзсаноатқурилишбанк" "Фитч Рейтингс" компаниясининг, "Капиталбанк" эса "Стандарт энд Пауэрс" компаниясининг "барқарор" рейтингларига эга бўлди. Буларнинг бари, табиийки, банк тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг аниқ ва пишиқ-пухталигидан, банкларимизнинг спекулятив кредит ва инвестициялардан холи эканлигидан, айни пайтда узоқ муддатли ва кафолатли омонатлар, кредитлар ва инвестициялар сиёсатининг амалда қўлланилаётганидан дарак беради. Бундай дейишимизнинг боиси, сир эмас, жаҳон молиявий инқирози кўплаб банкларнинг ёпилишига, мижозлар талабларини бажара олиш қобилиятидан маҳрум бўлишига олиб келди. Масалан, дунёга машҳур "Роял банк оф Скотленд" банкининг айни пайтдаги молиявий аҳволи мақтагулик даражада эмас, аммо мамлакатимиздаги "Роял банк оф Скотленд" қўшма банки нуфузли "Евромани" журнали томонидан энг яхши банклардан бири сифатида тан олинган. Бу банк тизимига қаратилаётган эътиборнинг самарадорлиги, инқироз шароитида ўзини намоён этиши билан аҳамиятлидир.

Маълум бир минтақа ёки иқтисодий тизим билан чегараланмай, балки глобал тус олган инқироз аввал-бошданоқ қатъий чоралар кўришни тақозо этарди. Акс ҳолда мамлакатдаги молия институтлари фаолиятининг бутунлай издан чиқишига, банкларнинг ликвидлик даражаси тушиб кетиши, энг ёмони, оммавий тарзда ишсизлик юзага келиши мумкин эди. Шу боисдан давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан 2008 йилда инқирозга қарши чораларни ишлаб чиқишга киришилди. Натижада 2008 йилнинг декабрида Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастури тасдиқланиб, унинг ижроси барча бўғинларда қаттиқ назоратга олинди. Айниқса, ҳудудларнинг инқирозга қарши аниқ чораларни ишлаб чиқиши ва бажариши юзасидан маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулиятини оширишга эътибор кучайтирилди.

Бу борада мамлакатимиз парламентининг юқори палатаси ҳам вакиллик органи сифатида қатор тадбирларни, чораларни кўрдики, пировардида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг, у ердаги доимий комиссияларининг ишини янада жонлантириш, депутатларнинг мазкур масала ижросида фаоллигини оширишга эришилди.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида долзарб аҳамиятга эга бўлган йигирмадан зиёд масала кўриб чиқилганди. Эътиборли жиҳати шундаки, муҳокама этилган масалаларнинг аксарияти айни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий оқибатларини бартараф этишга йўналтирилгандир. Чунончи, кун тартибида устувор мавзу сифатида "Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги ҳақида"ги масаланинг муҳокама этилгани ва бу борада Сенат Қарори қабул қилинганлиги фикримизнинг ўринли эканлигини кўрсатади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тузилган комиссия ишчи гуруҳлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида маҳаллий ҳокимият органлари, жумладан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан олиб борилаётган ишларга доир хулосаларини сенаторлар эътиборига ҳавола этиб, инқирозга қарши чораларни рўёбга чиқаришда маҳаллий Кенгашлар томонидан бажарилган ишлар муҳокама этилди.

Жорий йилнинг апрель-июнь ойларида ҳам Сенат Қарори асосида Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида жойларда адо этилаётган ишлар Сенат комиссияси ишчи гуруҳлари кўмагида халқ депутатларининг барча маҳаллий Кенгашларида кўриб чиқилди ва тегишли тавсиялар, таклифлар билдирилди.

**П**ировардида Юртбошимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури мазмун-моҳияти маҳаллий давлат бошқарувининг барча бўғинларига етиб боришига, ҳар бир ҳудуднинг ўз имконият ва салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, бу борадаги маҳаллий дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва уларни сўзсиз бажариш юзасидан чора-тадбирлар белгиланишига эришилди. Бу эса, ўз навбатида, ҳар биримизда масъуллик, фидойилик туйғуларининг янада мустаҳкамланишини, шунинг баробарида, юртимиз иқтисодий тараққиётининг барқарор ривожланишини таъминлайди.

**Абдурашид АЛТИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

# ҒАЙРАТ ВА ШИЖОАТ СОҲИБЛАРИ

*Кечаги деҳқон — бугун фермер. У мулк эгаси — гектарлаб ер майдони, қишлоқ хўжалиги техникалари бор. Энди у нафақат ўзи, балки хўжалигида меҳнат қилаётган ўнлаб ишчилар учун-да жавобгар. Унинг мулкка муносабати кечагидан фарқли. Даромадни, аввало, оиласи ва ишчиларига сарфлайди. Табиийки, у маҳалла ёки қишлоғини обод қилиш, аҳолининг дастурхони тўкислигига ҳисса қўшишни-да унутмайди.*

Айтиш лозимки, истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб фермер хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада ушбу саъй-ҳаракатлар ўзини тўла оқлади. Ҳозир мамлакатимизда 100 мингдан ортиқ фермер хўжалиги самарали фаолият кўрсатмоқда. Уларда меҳнат қилаётганлар сони 1,5 миллион нафар кишидан зиёд. Экин майдонларининг асосий қисми айнан фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Шу боис уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши йилдан-йилга салмоқли бўлиб бораётир.

**Мулкдор**

Бошқача айтганда, фермернинг қишлоқ хўжалигидаги нуфузи юксалди. Табиийки, топаётган даромади ҳам кўпайиб бормоқда. Бу уларнинг бунёдкорлик фаолиятию хайрли ишларида ўз ифодасини топаётир. Ахир, кейинги йилларда фермерларимиз томонидан қанчадан-қанча хайрли ишлар амалга оширилмади, дейсиз. Кимдир кам таъминланган оилалар аҳволидан хабар олган, кимдир қишлоқ ёки маҳалласига тоза ичимлик суви келтирган, яна кимдир йўлларни равон қилиб, кўприклар барпо этган...

Фермер қурган мактаб, фермер таъмирлаган йўл, фермер барпо этган гузар... Аслида, бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Эътиборлиси, бу каби хайрли ишлар юртимизнинг ҳар бир вилояти, туман ва қишлоғида содир бўлмоқда. Жумладан, Сурхондарё вилояти фермерларининг бу борадаги фаолиятлари таҳсинга лойиқ. Ҳозир вилоятда 3 минг етти юздан зиёд фермер хўжалиги мавжуд. Уларнинг машаққатли меҳнати эвазига пахта ва ғалладан катта даромад олинмоқда. Аммо бу алоҳида мавзу. Ушбу мақолада уларнинг бунёдкорлиги ва хайрли ишлари хусусида тўхталмоқчимиз, холос.

Денов туманидаги "Мирзабадал Мирзаев" фермер хўжалиги раҳбари Турсунпўлат Мирзаев "Тортувли" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 4 та маҳаллани сув билан таъминлайдиган артезиан қудуғини қайта таъмирлаб берди. Ёзнинг жазирама кунларида зилол сувдан баҳраманд бўлаётган ушбу қишлоқ аҳолиси фермер хўжалигини алқамоқда.

Шерободдаги "Туроб Турдимуродов" фермер хўжалиги раҳбари Бўри Турдимуродов тоғли Хўжаулкан қишлоғидаги кам таъминланган оилаларнинг тўй ва маъракаларига бош-қош бўлиб, элнинг дуосини олмоқда. Шунингдек, ушбу фермер хўжалиги тумандаги 48-умумтаълим мактабига ҳомийлик қилиб, керакли жиҳозлар билан таъминлашга кўмаклашганлигини алоҳида айтиб ўтиш лозим.

— Деҳқон истиқлол йилларида қадр топди, обрў-эътиборга эга бўлди, — дейди Бандихон туманидаги "Эргаш бобо" фермер хўжалиги раҳбари Абдуҳамид Эргашев. — Ана шу имкониятдан унумли фойдаланиб, бор куч ва салоҳиятимизни хўжаликни ривожлантиришга йўналтирдик. Қилинган саъй-ҳаракатлар ўзини оқлаб, мулкдор бўлдик. Ҳозирда ишни ташкил этиш учун қўша-қўша қишлоқ хўжалиги техникаларига эгамиз. Даромадимизнинг бир қисмини юртимиз равнақи, қишлоқ ва маҳалламиз фаровонлиги йўлида сарфлаб келаяпмиз. Жумладан, "Тирсак" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги "Гулистон" маҳалласи йўллари тўла таъмирланди. "Оқ қўтон" маҳалласига 5 километрлик сув қувури тортиб келиниб, аҳолининг ичимлик суви муаммоси бартараф этилди.

Гапнинг рости, бугунги фермер фақат деҳқончилик билан кифояланиб қолаётгани йўқ. Аксинча, замонга мос равишда қадам ташлаб, ишлаб чиқаришга қўл урмоқда. Жумладан, биз ҳам мева-сабзавотни қайта ишлайдиган консерва цехини ишга туширдик. Хитойдан зарур технологиялар келтирилди. Ҳозир бу ерда 35 нафар ҳамқишлоғимиз меҳнат қилмоқда. Эндиги ниятимиз — деҳқончиликни янада ривожлантириш орқали ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда аҳолига кўпроқ манфаат келтиришдан иборат.

— Мамлакатимиз раҳбари фермерликда ҳикмат кўп, деб беҳудага айтмайди, — дейди Денов туманидаги "Арғун-Капитал" фермер хўжалиги раҳбари Ҳасан Жўрақулов. — Айниқса, фермер хўжаликларининг ер участкалари оптималлаштирилгач, имкониятларимиз янада кенгайди. Хусусан, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан Арғун қишлоғидаги кўчаларни таъмирдан чиқардик. Шу билан бирга, қишлоқдаги аксарият оилаларга 100 килограммдан дон тарқатдик. Бундан ташқари, 55 нафар отахон ва онахонларни ат-Термизий зиёратгоҳига олиб бордик.

Фермерларнинг бунёдкорлик фаолияти ва хайрли ишларини вилоятнинг ҳар бир гўшасида учратиш мумкин. Мисол учун, шўрчилик бир гуруҳ фермерлар — "Жамил-Сайфиддин", "Эшқобил бобо", "Нурмат Хўжақулов", "Эргаш бобо" ва "Тўрахон" фермер хўжаликлари тумандаги 122-болалар махсус мактаб-интернатига турли кийим-бош ҳамда ўқув қуроллари совға қилди. Табиийки, бундан болажонларнинг қувончи чексиз.

Қисқаси, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида фермерларимизнинг ғайрати янада жўш урмоқда. Қолаверса, уларнинг йил Дастуридан келиб чиқадиган вазифаларни юракдан ҳис этиб, сидқидилдан бажараётганликлари кишини қувонтиради. Зеро, биргаликда қилинган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериши — қишлоқларимиз янада обод бўлиб, аҳоли фаровонлиги таъминланиши, шубҳасиз.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Қарор ва ижро**

***Навоий вилоятида Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги "2007 — 2011 йилларда пахта саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида"ги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда муайян ишлар амалга оширилмоқда.***

# Илғор технология самарадорликни оширмоқда

Хусусан, Навоий пахта тозалаш корхонаси негизида "Зарафшон пахта сервис" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, унинг таркибида механика ва электр таъмирлаш, чигит тайёрлаш сингари цехларнинг фаолияти йўлга қўйилди. Натижада жамиятда жорий йилнинг олти ойи мобайнида 850 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди.

— Бундай янгиланишлар иш жараёнини тубдан яхшилашга хизмат қилаётир, — дейди "Навоийпахтасаноат" бирлашмаси сифат ва стандартлаштириш бўлими бошлиғи Олим Сиддиқов. — Кўплаб пахта тозалаш корхоналаримизнинг реконструкция қилингани, уларга замонавий техника ва технологиялар келтириб ўрнатилгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. Мисол учун, биргина Хатирчи пахта тозалаш корхонасида шу мақсадда олиб борилган чора-тадбирлар натижасида иш унумдорлиги 1,2 баробар ошди. Шунингдек, ўтган даврда корхоналаримиз томонидан 28 минг 131 тонна пахта толаси, 42 минг 357 тонна техник ва уруғлик чигит, 2697 тонна пахта момиғи ишлаб чиқарилди.

Тола сифати, кўп жиҳатдан, қабул қилиб олинган пахта хом ашёсини қайта ишлаш жараёнига боғлиқ. Вилоят бирлашмасида ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилиб, барча пахта тозалаш корхоналарининг мавсумга шай қилиб қўйилгани ишларнинг янада сифатли ва самарали бажарилишидан далолат беради.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИСКАНДАРИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АСАРИНИНГ ТАҚДИМОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

оширилиши мамлакатда юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришилишини таъминлагани таъкидланди.

"Миср — Ўзбекистон" дўстлик жамиятининг Искандария бўлими раиси Муҳаммад Зейдон Ўзбекистон Республикаси Президентининг чуқур ўйланган иқтисодий сиёсати инқироз шароитида мамлакат иқтисодиёти жадал ривожланишининг асосий омили бўлаётганини қайд этди. "Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг юқори суръатини акс эттирган рақамлар Ўзбекистон томонидан танланган тараққиёт йўлининг тўғри ва самарали эканидан далолатдир", деди у.

Искандариядаги йирик қурилиш-инвестиция компанияси раҳбари Маҳмуд Муҳаммадий Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби билан танишиб, Ўзбекистон эришаётган муваффақиятлар мамлакат раҳбариятининг оқилона сиёсати самараси эканига амин бўлганини айтди. "Дунёдаги саноқли давлатларгина Ўзбекистон каби салмоқли ва кенг кўламли чораларни амалга ошириш ва ижобий натижаларга эришишга муваффақ бўлди", деди тадбиркор.

Мисрда минглаб ўқувчиларга эга бўлган "Ал-Масаийя" газетаси мухбирлик пункти раҳбари Махрус Аҳмад Ўзбекистон мусулмонлар учун улкан ва ниҳоятда жозибадор сайёҳлик йўналиши эканини қайд этди. «Мамлакатда сайёҳлик инфратузилмасини яхшилаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилган тадбирлар натижасида Ўзбекистоннинг машҳур тарихий шаҳарларига саёҳат қилишни хоҳловчилар сонининг жадал юксалиши таъминланмоқда», деди журналист.

**«Жаҳон» АА.**
Қоҳира

# АРЗОН ВА СИФАТЛИ ҚУРИЛИШ МОЛЛАРИ



*Мамлакатимизда қурилиш соҳаси ислоҳ қилиниб, бу тизимдаги корхона ва ташкилотларга кенг имтиёзлар берилаётгани туфайли аҳолининг қурилиш ашёларига бўлган эҳтиёжи ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобига қондирилаяпти.*

**Жараён**

**И**чки бозорни арзон ва сифатли қурилиш моллари билан тўлдиришда Андижондаги "Шинам қурилиш жиҳозлари" масъулияти чекланган жамиятининг ҳам муносиб улуши бор.

Анчадан бери қаровсиз ётган бинолар жамият жамоасининг ташаббуси билан таъмирланиб, унинг негизида янги ихтисослашган бозор ишга туширилди. Бу вилоят аҳолисига Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ажойиб тухфа бўлди. Бу ерда 1000 га яқин корхоналар ўз хизматларини тақдим этмоқда. Бир вақтнинг ўзида 750 та автомашинани сиғдирадиган автомобиллар тўхташ жойи, 450 кишилик ошхона сотувчию харидорларга қўшимча қулайлик туғдирмоқда.

Вилоят аҳолиси ҳозирда бозордан нафақат қурилиш моллари харид қилишаётир, балки лойиҳа асосида буюртмалар ҳам бермоқдалар. Энг муҳими, бу қулайликлар туфайли 150 нафар киши ишли бўлди.

**СУРАТДА:** ихтисослашган бозор фаолиятидан лавҳа.

**Х. АРАББОЕВ олган сурат.**

# ДАВРА СУҲБАТИДА — ЁШЛАР МАВЗУИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давра суҳбатида Президентимизнинг миллий ўзликни англаш, бебаҳо маънавий меросимизни асраб-авайлаш ва халқимизга етказиш, ёшлар маънавиятини шакллантириш ва ривожлантириш борасида ижодкорлар, шоир ва ёзувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари олдида турган вазифаларга оид фикрларидан келиб чиқиб, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, маънавий-маърифий тадбирлар хусусида сўз юритилди. Бугунги ахборот асрида ёшларни турли ёт ғоялар таъсиридан асраш, уларни ҳар жиҳатдан баркамол, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш энг муҳим вазифалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланди.

— Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари ҳамда бир қатор чиқишларида ёшлар камолоти, таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг буюк аждодларимизга муносиб ворислар бўлиб етишишлари лозимлиги алоҳида қайд этилган, — дейди Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди эксперти Муножот Исомиддинова. — Шунингдек, ёш авлоднинг яратилаётган шарт-шароит, имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда юртимиз, халқимиз тарихи ва маданиятини, анъана ва қадриятларини теран англаб етиши, бу борада уларга зиёлилар, ижодкорлар, умуман, илм-маърифат аҳли кўмаклашиши зарурлиги қайд этилган. Республикамизнинг барча вилоятларида ўтказилаётган учрашувлар ана шу талабдан келиб чиқиб ташкил этилмоқда.

Давра суҳбатида ёшлар тадбир ташкилотчиларидан ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олди, муҳокама этилган масалалар юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирди.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ИНТИЛГАН ИШСИЗ ҚОЛМАЙДИ

***Олий ўқув юртлари ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида таҳсил олган ёшлар бугун халқ хўжалигининг турли тармоқларида самарали меҳнат қилиб, эл-юрт, Ватан равнақига ўз ҳиссаларини қўшаяптилар. Вобкентлик Остон Тўхтаев — шуларнинг бири.***

— Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтини тугатганман, — дейди у. — Ихтисослигим бўйича ўзимга мос иш излаётган эдим. Туманимизда "Вобкентёғ" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлаганини эшитиб, шу корхона раҳбариятига учрадим. Ишга қабул қилишди. Оиламга, ота-онамга нафим тегаётганидан хурсандман.

"Вобкентёғ"да ҳозир Остонжонга ўхшаган ёшларнинг сони етмиш нафардан ошиб қолди. Кенжа корхонанинг навқирон ёшлари хориждан келтирилган замонавий технологик линияларни юқори унум билан ишлатишмоқда. Улар учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Ҳатто, бепул тушлик овқат берилаяпти.

**Бандлик**

— Бандлик дастурига мувофиқ, меҳнат ярмаркаларини ташкил этиш орқали аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмини, хусусан, ёшларни ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди туман Бандликка кўмаклашиш маркази ходими М. Мусаева. — Ҳозиргача шундай ярмаркаларда 600 нафардан зиёд йигит-қиз ўзига маъқул иш ўринларига эга бўлди. Бундан ташқари, "Уста — шогирд" ўқувлари воситасида кўплаб ёшларни касб-ҳунарли қилиб, тумандаги катта-кичик корхоналарга ишга юбораяпмиз.

— Қишлоғимиздаги "Машҳура — Бобур" фирмасида қандолатчи-новвой вазифасида ишлаяпман, — дейди Қоракўл тумани "Човли" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Дилафрўз Кўчкорова. — Шу фирма шарофати билан олти киши ишли бўлди. Ўттиз хилдаги қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлаб, аҳолига сотаяпмиз. Ўз ишимдан мамнунман.

Қоракўл тумани Бандликка кўмаклашиш марказидан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган олти ойида бу ерда 3683 та янги иш ўрни яратилган. Ишга жойлашганларнинг аксарияти ёшлардир.

Шуниси муҳимки, ёш авлодни касб-корли, ҳунар эгаси қилиб тарбиялашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Биргина Қоракўлда Мустақилликнинг 18 йиллиги арафасида учта янги касб-ҳунар коллежи ёшларга ўз бағрини очади. Шу иншоотларнинг қурилиши учун ҳукуматимиз 7 миллиард 834 миллион сўм маблағ сарфлади. Бу коллежларда таҳсил олган ёшлар эртага муайян ҳунар эгаси бўлиб, ота-оналари сафига қўшилади. Шу зайлда мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшларимизга ҳар қанча ҳавас қилса, арзийди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «МИКРОКРЕДИТБАНК» САРМОЯЛАРИ – ҚИШЛОҚ ФАРОВОНЛИГИГА

MIKROKREDITBANK

***Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, фаолиятини бошлаган "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга, аҳолининг ишбилармонлик салоҳиятини юзага чиқаришга, умуман олганда, тадбиркорлик фаолиятининг кенгайишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.***

Зеро, ўтган қисқа давр мобайнида банкда мижозларга замонавий ва тезкор хизмат кўрсатиш учун кенг имкониятларни таъминлайдиган муҳим инфратузилма яратилди. Буни айни пайтга келиб, унинг филиаллари сони 80 тага, минибанклари сони 271 тага, агентликлари сони 24 тага етганлигидан ҳам билиш мумкин.

Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан сўнг эса, айтиш мумкинки, бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Сабаби, ушбу Фармонда банк зиммасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган. Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш, вилоятлар ва узоқ туманларда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида, банк жамоаси мунтазам равишда турли тадбир ва анжуманлар ўтказиб келмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири яқинда Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтди. "Микрокредитбанк сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!" шиори остида ўтказилган кўргазмали семинар ушбу вилоятда уюштирилиши бежиз эмас. Зотан, вилоятда банк филиали кўмаги билан тадбиркорликни йўлга қўйиб, ижобий натижаларга эришаётганлар кўпчиликни ташкил қилади. Бу борада эса, банкнинг вилоят филиали аҳоли билан мустаҳкам алоқа ўрнатганлиги асосий омил бўлмоқда. Буни айни пайтда вилоятда 9 та филиали, 39 та минибанки ва кўплаб агентликлари фаолият юритаётганлиги ва мижозлари сони 23 мингдан ошганлиги яққол кўрсатиб турибди. Жорий йилнинг ўтган даврида Косон туманида қўшимча яна 2 та минибанк, Касби, Яккабоғ ҳамда Миришкор туманларида эса 3 та агентлик ўз ишини бошлагани диққатга сазовордир.

## Имтиёз – қўшимча имконият

Дунёнинг кўпгина мамлакатлари молия муассасалари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли қийин аҳволга тушиб қолаётган бир пайтда мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар боис "Микрокредитбанк"нинг устав жамғармаси 150 миллиард сўмга етказилди. Айни пайтда Президентимиз Фармонига биноан, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бериладиган имтиёзли микрокредитларнинг максимал фоиз ставкаси йиллик — 3 фоиз, кўрсатиладиган микролизинг хизматларининг максимал фоиз ставкаси йиллик — 5 фоиз ҳамда кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган микрокредитларнинг максимал ставкаси — 7 фоиз қилиб белгилангани қувонарли ҳол, албатта.

Банк устав капиталига қўшилган ресурслардан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини баҳраманд этиш мақсадида 2009 йилга мўлжаллаб махсус дастур тузилган бўлиб, унга кўра, жорий йилда Қашқадарё вилоятига 8,1 миллиард сўм миқдорида микромолиявий хизматлар кўрсатилиши белгиланган. Аммо таҳлиллардан кўринадики, ярим йил ичида кўрсатилган микромолиявий хизматлар миқдори 11 миллиард 100 миллион сўмга етиб, у прогноз кўрсаткичга нисбатан 1,4 мартага ошган. Бу 2008 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган микромолиявий хизматларга нисбатан 1,5 баробар, ўтган йилнинг шу даврида ажратилган кредитлар ҳажмига нисбатан эса 2,9 бароборга кўпдир.

## Микрокредитнинг беқиёс самараси

Кўргазмали семинарда иштирок этган тадбиркор Бекзод Маматовнинг нақшинкор уй-рўзғор ва эсдалик буюмлари ўзининг чиройлилиги ва бетакрорлиги билан қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди. Унинг фаолият бошлашида банкдан олинган 8 миллион сўм миқдоридаги микрокредит қўл келди. Айни пайтда у Муборак туманидаги устахонасида 4 нафар шогирдини ёнига олиб, уларга ёғоч ўймакорлиги санъатини ўргатяпти. Ёш йигитларнинг бажарган ишларига қараб маош олаётгани, айниқса, кўнгиллидир.

Нишон туманининг Самарқанд қишлоғида истиқомат қилувчи Ойсанам Очилова, Чироқчи туманининг Дурсун қишлоғида яшовчи Қалқон Пардаев банкдан 2 миллион 800 минг сўм имтиёзли микросармоя олиб, паррандачиликни йўлга қўйишган эди. Бошланган иш бир неча ойда ўзининг самарасини бера бошлади. Мўъжазгина паррандачилик фермасида оила аъзолари астойдил меҳнат қилиб, даромад ола бошладилар. Бу тадбиркорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратилаётганидан далолат беради.

Қамаши тумани ёшлари "Гавҳаршодбегим" тикувчилик марказини яхши биладилар. Чунки бу ерда никоҳ тўйлари либосларини тикиш йўлга қўйилган. Бунга банкдан олинган



2 миллион 800 минг сўм микрокредит ҳисобига эришилди. Яқинда Нишон туманидаги Байналминал қишлоғилик якка тартибдаги тадбиркор Муқаддас Умарова ҳам шундай марказ очиб, аҳолига намунали хизмат кўрсата бошлади. Тадбиркор қишлоқ чеварларидан бир неча нафарини ишга олиб, турли-туман кийим-кечаклар тикиб сотувга чиқармоқда. Эътиборлиси, тадбиркор тайёрлаётган либослар сифатли ва айни пайтда арзон. М. Умарова бу ишни банкдан 1 миллион 200 минг сўм сармоя олганидан кейин бошлаганлиги эътиборга лойиқ.

Шунингдек, Қарши туманида истиқомат қилувчи Маҳбуба Маматова ва Шаҳрисабзнинг Катта Новқа қишлоғилик Шаҳри Алимардонова ҳам якка тадбиркор сифатида 1 миллион 400 минг сўмдан имтиёзли микросармоя олиб, хонадонда чорвачиликни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келишаётир.

## Тадбиркорлик – яратувчилик демак

Қамаши туманидан ўтадиган серқатнов кўча бўйлаб борар экансиз, шу атрофда махсус тиркамаларда боқилаётган асалари уялари эътиборингизни тортади. Улар асаларичилик бўйича мутахассис, хусусий тадбиркор Тўра Жўраевга тегишлидир. Бу хайрли ишни тадбиркор банкдан олган 14 миллион сўмлик сармоя эвазига ташкил этган. Айни пайтда бу ерда 250 та асалари уяси парваришланиб, вилоят аҳолисига йилига камида 10 тонна шифобахш неъмат етказиб беріляпти.

Айтиш жоизки, "Микрокредитбанк" сармояларидан фойдаланишда шундай тизим йўлга қўйилганки, бунда банк тадбиркор энг кичик сармоя билан моддий жиҳатдан ўзини ўнглаб олганидан то ишлаб чиқаришини саноат асосида ташкил этиб, йирик тадбиркор сифатида майдонга чиққунига қадар босқичма-босқич имтиёзли микросармоялар ва микролизинг хизматлари асосида ҳамкорлик қилади. Буни Китоб туманидаги "Китоб оқила сут" хусусий корхонаси фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Гап шундаки, "Микрокредитбанк"нинг 24 миллион сўмлик лизинги асосида ишни ташкил этган ушбу корхона қисқа вақтда ички бозорда ўз ўрнини топа олди.

Бир кеча-кундузда 2,5 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга мазкур корхонада 15 нафар ёш меҳнат қилаяпти. Лизинг маблағини қайтариб улгурган корхонага банк томонидан айланма маблағни тўлдириш учун жорий йилнинг биринчи чорагида яна 14 миллион сўм миқдорида кредит берилди. Натижада маҳсулотларни қадоқлаш воситалари ҳам шу ернинг ўзида бажарила бошланди. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулот таннархини арзонлаштириш имконини яратаяпти.

Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, қолаверса, аҳолининг уй-жой қурилишида замонавийликка интилаётганлиги боис сифатли ва пишиқ қурилиш ашёларига бўлган талаб ошиб бормоқда.

Қамаши туманидаги "Зафар Диёр" масъулияти чекланган жамияти ҳам банкнинг 50 миллион сўмлик кредити эвазига фаолиятини бошлаган корхоналардан бири. 50 нафар киши меҳнат қилаётган корхонада ҳозирги кунда бир кунда харидорларга 30-35 минг дона пишиқ ғишт етказиб берилмоқда. Жамият маҳсулотларига талаб ортиб бораётгани туфайли бу ерда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринлари очиш ҳаракатлари бошлаб юборилди. Бунда, табиийки, банкнинг молиявий кўмаги қўл келмоқда.

## Оилавий бизнес ривожига йўл

"Микрокредитбанк"нинг Қашқадарё вилояти филиали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратиш ҳамда улар фаолиятини кенгайтириш борасида ўрнатилган прогноз кўрсаткичлар ижросини таъминлашда эътиборга молик ютуқларни қўлга киритмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳисобига 11 минг 522 та янги иш ўрни яратилди. Ушбу иш ўринлари, асосан, кичик бизнес ва бозор инфратузилмаси корхоналарини ривожлантириш, кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорликни ҳамда фермерликни тараққий эттириш ҳисобига ташкил этилди.

"Микрокредитбанк" иқтисодиётимизнинг энг муҳим тармоқларини молиялашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётгани, айниқса, диққатга сазовордир. Хусусан, жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида банк томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 2,7 миллиард сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 1,7 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди ва микролизинг хизматлари кўрсатилди.

Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 641,0 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бунинг ҳисобига жойларда сартарошхона, ҳаммом, пойабзал таъмирлаш устахонаси, суратхона каби кўплаб хизмат кўрсатиш комплекслари ташкил этилди.



Шунингдек, паррандачилик, чорвачилик, иссиқхона хўжаликлари ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги, хусусан, гўшт ҳамда сут маҳсулотларини қайта ишлаш, тикувчилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ва қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлашни ташкил этиш учун 4,8 миллиард сўм миқдорида имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Энг муҳими, қишлоқ жойларда якка тартибда меҳнат фаолиятларини бошлаган 700 дан ортиқ тадбиркорлик субъектига 1,1 миллиард сўм миқдорида бошланғич сармоя учун микрокредитлар ажратилди.

Вилоятда тадбиркор хотин-қизлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Бундай мақсадлар учун 978,6 млн. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди ва бунинг натижасида 857 та янги иш ўрни ташкил этилди. Аҳолининг кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида чорва моллари учун 179 та оилага 262 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилди.

Бундан ташқари, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида 218 та ёш оилага 821,0 миллион сўм миқдорида кредитлар тақдим этилди. Жумладан, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун 136 та ёш оилага 495 миллион сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Шунингдек, хонадонлар учун жиҳозлар харид қилиш, тўй маросимларини ўтказиш, биринчи фарзанд эҳтиёжлари учун 82 та ёш оилага 326 миллион сўм миқдорида имтиёзли истеъмол кредитлари ажратилди.

Банк жамоаси томонидан Қашқадарё воҳаси тадбиркорлари билан ана шундай иш олиб борилаётгани туфайли аҳолининг кенг қатлами имтиёзли микросармоялардан унумли фойдаланиб, ҳар бир маҳалланинг обод ва фаровон, файзли бўлишига хизмат қилмоқда.

## Эътироф

Кундалик ҳаётимизда тўкин-сочинлик яратиш учун фаол хизмат қилаётган "Микрокредитбанк" 2007 йилнинг февраль ойида Шарқий Европа ва МДҲ давлатлари бўйича халқаро Микромолиялаш маркази аъзолигига қабул қилинди.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва замонавий хизматлар кўрсатиш йўлида собитқадамлик билан олиб бораётган ишлари туфайли "Микрокредитбанк" Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар берувчи жаҳоннинг энг яхши 100 та банки сафига киритилди ҳамда 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эътироф этилди. Яқинда дунёнинг энг нуфузли «Фитч рейтингс» халқаро рейтинг компанияси томонидан "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкига молиявий ҳолати, яъни молиявий мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш қобилиятига узоқ ва қисқа муддатли ҳамда умумий узоқ муддатли йўналишлар бўйича "Барқарор" рейтинг баҳолари берилди.

Банкнинг 2008 йил фаолияти якунларини ўрганиш учун Прайс Вотер Хаус Куперс халқаро аудит ташкилоти жалб этилди ва банк фаолияти халқаро даражада юқори баҳоланди.

Буларнинг ҳаммаси "Микрокредитбанк"нинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўмаклашиш учун универсал микросармоялаш институтига айланганини яққол кўрсатиб турибди. Унинг сармоялари эса халқимиз фаровонлиги, турмушимиз тўкислиги учун хизмат қилаётгани, айниқса, диққатга сазовордир.

**Банк матбуот хизмати.**





*“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури асосида барпо этилаётган ижтимоий соҳа объектлари қишлоқлар кўркига кўрк қўшибгина қолмай, янги иш ўринларининг вужудга келишида муҳим аҳамият касб этаётир.*



# БУНЁДКОРЛИК МАЙДОНИ

**2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили**

Масалан, бу йил Олтинкўл туманидаги Қўштепа, Жалабек, Сувюлдуз, Кўмакай қишлоқлари янада обод бўлиб, бутунлай ўзгача қиёфа касб этди. Бу жойларда тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан ўнлаб маданий-маиший бинолар, савдо ва сервис хизматлари кўрсатиш шохобчалари қуриб битказилди. Пишиқ ғиштдан барпо этилган замонавий турар-жой бинолари эса қишлоқларга янада кўркамлик бахш этди.

Туманда бундай бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари йил давомида олиб борилаётгани қувонарлидир. Хусусан, 10 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилади, Сувюлдуз қишлоғида 435 ўқувчига мўлжалланган энергетика йўналишидаги касб-ҳунар коллежи биноси қуриб битказилади. Бундан ташқари, ёш оилалар учун 43 минг квадрат метр ҳажмда уй-жойлар барпо этилиши кўзда тутилган.

Туманда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Йил охиригача янги ташкил этилган маҳаллаларда 2 километр узунликда газ қувурлари тортилади, 16,3 километр масофага қувур ётқизилиб, ҳовли-жойлар тоза ичимлик суви билан таъминланади. Шунингдек, 33 та сервис хизмати кўрсатиш шохобчаси иш бошлайди.

Иқтисодий ислоҳотлар шарофати туфайли бугун чекка қишлоқларга ҳам саноат жадал кириб бормоқда. Бир кеча-кундузда 500 килограмм мевани қуритиш имконига эга бўлган “Водий мевалари” агрофирмаси фаолияти фикримиз далилидир. Охунбобоев қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги сутни қайта ишлаш корхонаси эса 100 миллион сўмлик кредит эвазига янги технология билан жиҳозланди. Шунингдек, Оразий қишлоғида яна бир саноат корхонаси — ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Агама” корхонаси иш бошлади. Бунинг учун 100 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилиб, энг замонавий технологиялар келтирилиб ўрнатилди. Натижада кунига 50 тонна кунгабоқарни қайта ишлаш имкони яратилди. Айни пайтда бу ерда кунига 9 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, харидорларга пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Яқинда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида цемент ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Кезар” масъулияти чекланган жамияти ҳам иш бошлади. Пировардида 50 та иш ўрни яратилди. Корхонада йилига 17 минг тонна юқори сифатли цемент тайёрланди.

Изчил амалга оширилаётган бундай лойиҳалар доирасида туманда 4343 та янги иш ўрни очилади. Энг муҳими, ички бозор ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдирилади.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# КАТТАҚУМ САХОВАТИ

***Термиз ва Жарқўрғон шаҳарлари оралиғида, Сурхон дарёсининг ўнг соҳили узра бир сайҳонлик ястаниб турибди. Бу — Каттақум кенгликлари. Айтишларича, ўтган асрнинг ўттизинчи йилларига қадар Каттақум очиқ ялангликлардан иборат бўлган. Шамолу бўронлар қишин-ёзин унинг сарғиш, майда қумларини у томондан бу томонга кўчириб ўйнаган.***

**Саломатлик**

— Бу “ўйин”лар шу ҳудудга туташ жойда яшайдиганларга кўп ташвиш ва ноқулайликлар туғдирарди, — дея эслайди зартепалик Абдулла бобо. — Асов кўчкиларни жиловлаш учун ўшанда Бухородан саксовул ва черкез уруғлари олиб келиб сепилди. Орадан етти-саккиз йил ўтиб, ялангликда ўрмон бўй кўрсата бошлади.

Саксовулнинг танаси темирдан қаттиқ бўлгани билан умри қисқа дарахт экан. Йигирма йилдан сўнг ўз-ўзидан қурий бошлайди. Кўмирга айланади. Бунинг устига ўзидан кўпайиб кетавермайди. Уруғини экиш зарур. Ниҳолини ўстириб, сўнг керакли жойга элтиб қадаш керак.

Бугунги кунда вилоят Марказий давлат ўрмон хўжалиги жамоаси Каттақумда шундай машаққатли ишни амалга ошириб келмоқда. Уларнинг хизмати туфайли бу ерда йилига олти-етти минг туплаб саксовул ва черкез экилади. Йўқса, Каттақумнинг яна ўжарлиги қўзғайди. Қуми кўчиб, автомобиль ва темир йўлларни ёпиб қўйиши мумкин.

Шу боис ҳудудда яшовчи аҳоли чўл дарахтларини алоҳида эъзозлайди. Бундан ташқари, саксовул ва черкезлар уларни жануби-ғарб томондан эсадиган изғиринли совуқлардан иҳота қилади, жазирамада эса гармселни қайтаради.

12 минг гектар майдонни эгаллаган Каттақум — ўзгача ҳудуд. Айниқса, унинг булоқлари шифобахш. Шунинг учун ҳам ушбу кенгликнинг бир биқинида Республика терапия ва тиббий реабилитация илмий текшириш институтининг Термиз филиали клиникаси, иккинчи бир томонида “Жайронхона” шифохона-сиҳатгоҳи ишлаб турибди. Мазкур муассасаларга ҳар йили келадиган беш-олти минглаб беморлар Каттақум сувларидан шифо топиб, соғлиқларини тиклайдилар. Саратонда “қумга тушиб”, шамоллаш, бод, нафас йўллари ва ҳатто, қанд хасталикларидан фориғ бўладилар.

— Каттақумнинг бундай хосияти бутун МДҲ мамлакатларида маълуму машҳур, — дейди клиника ходими Отабек Дўстматов. — Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор, айниқса, бу ерда яратилган қулай шарт-шароитлар туфайли Каттақум гавжум гўшалардан бирига айланди. Унинг қуми ва суви турли минтақалардан шифо истаб келганларга малҳам бўлмоқда.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт




# ПЕШҚАДАМЛАР ҒАЛАБАСИ

***“Пахтакор” — “Шўртан”, “Сўғдиёна” — “Бунёдкор” жамоалари учрашуви билан футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатининг иккинчи даврасига старт берилди.***

Ўзбекистон кубоги финали олдидан асосий тайёргарлик вазифасини ўтайдиган учрашувда “Пахтакор” дарвозасини қўриқлаш Темур Жўраевга ишониб топширилган бўлса, ҳимоядан Илҳом Суюнов, Боян Миладинович, Анзур Исмоилов ва Мурод Холмуҳаммедов ўрин эгаллашди. Ярим ҳимоя марказида Дарко Маркович ва Одил Аҳмедов, қанотларда эса Станислав Андреев ҳамда Акмал Холматов ҳаракат қилдилар. Ягона ҳужумчи вазифасини Александр Гейнрих бажарган бўлса, унинг ортида Милан Николич тўп сурди.

“Шўртан” бош мураббийи Эдгар Гесс даврлар оралиғида ғузорликлар таркибига қўшилган Горвиц, Мегреладзе, Чкартишвили, Алиқулов ва Хазигалиевни синовдан ўтказди. Меҳмонларнинг етакчи футболчиларидан бири Артур Геворкян жароҳати борлиги сабабли майдонга туширилмади.

Учрашув тенг курашлар остида бошланди. Аммо тез орада ташаббусни ўз томонига оғдириб олган “Пахтакор” жамоаси футболчилари 4:1 ҳисобидаги йирик ғалабага эришдилар. Мезбонлардан тўпларни Акмал Холматов (иккита), Александр Гейнрих ва Одил Аҳмедов киритди. “Шўртан” таркибида грузиялик легионер Георгий Мегреладзе муваффақиятга эришди.

“Бунёдкор” эса Жиззахда “Сўғдиёна” жамоасини 0:3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Таъкидлаш лозимки, бу пойтахтлик футболчиларнинг кетма-кет ўн еттинчи ғалабасидир.

Ҳозирча чемпионатда “Бунёдкор” 51 очко билан яккапешқадам бўлиб турибди. “Пахтакор” 39 очко билан иккинчи, “Насаф” жамоаси эса 27 очко тўплаган ҳолда, учинчи ўринда бормоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

# Олтин медаль сари навбатдаги қадам

1st ASIAN MARTIAL ARTS GAMES BANGKOK 2009

***Таиланд пойтахти Бангкокда якка-кураш спорт турлари бўйича I Осиё ўйинлари давом этмоқда.***

5 август куни ўзбекистонлик спортчилар ушу, кикбоксинг, муайтай ва таэквондо (ВТФ) бўйича мусобақаларда иштирок этдилар. Кикбоксингнинг фул контакт йўналишида қатнашаётган юртдошимиз Алишер Абдуллаев (75 кг.) ярим финалда ҳиндистонлик Санжай Мадхусудан Катодени мағлубиятга учратиб, финал йўлланмасини қўлга киритди.

Муайтай бўйича ярим финал баҳсларида Шерзод Шарипов (57 кг.) вьетнамлик Чан Зуй Нат Нгуенгга, Фирдавсий Холмуротов (60 кг.) эса таиландлик Вирапол Квангхвангга ютқазиб қўйди.

Кеча куннинг иккинчи ярмида Мавлонбек Қаҳҳоров (67 кг.) қозоғистонлик Давлет Отарбаевни енгиб, финалга йўлланма олди.

Таэквондо (ВТФ) бўйича чорак финал беллашувларида Диловар Сайдуллаева (59 кг.) ва Дмитрий Ким (72 кг.), нимчорак финалда эса Максим Рафалович (67 кг.) рақибларига имкониятни бой беришди.

Шунингдек, ушу бўйича чорак финалда Насиба Рўзиматова (52 кг.) мьянмалик Си Си Сейнга қарши баҳсда мағлубиятга учради.


## «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ ва унинг ҳудудий филиаллари

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**I. РКМБ марказий идорасининг аукцион савдосига такроран қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 25 майдаги 10-0805/16616-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «TIGMA» МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Бакинская кўчаси, 179-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 1721 кв.м. бўлган, 2 қаватли бош бино ва ертўла — блок «Б».

***Бошланғич баҳоси — 500 000 000 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2009 йил 21 январдаги 2-184-09-сонли ижро варақасига асосан хатланган кўчмас мулклар қўйилмоқда:

а) Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарҳод кўчасида жойлашган «Анварбек» тўйхонаси.

***Бошланғич баҳоси — 1 914 798 000 сўм;***

б) Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Шукур Бурҳонов кўчасида жойлашган 59-«А» уй.

***Бошланғич баҳоси — 519 160 700 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 3 мартдаги 10-0809/17383-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Алп Жамол банк» амалиёт бошқармасида сақланаётган, «Тойота Прадо» русумли, давлат рақами 15АА999 бўлган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 84 622 379 сўм.***

Аукцион савдоси 2009 йил 25 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

**Манзил: Тошкент ш., Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52.**

**II. РКМБ Қашқадарё вилояти филиалининг аукцион савдосига:**

**1.** Қарши шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг 2007 йил 29 июндаги 1-285-сонли, 1-1758-сонли, 1-1792-сонли, 1-1752-сонли ҳамда 1-2085-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Қашқадарёқурилиш» МЧЖ ММКК шўъба корхонаси мол-мулкига киритилган, собиқ «ХУММ» хусусий корхонасига қарашли, Қарши шаҳри, Жайхун кўчасида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: омборхона, цех биноси ва ёрдамчи бинолар (қоровулхона, ҳовлига кириш темир дарвозаси билан), умумий майдони — 4832,66 м².

***Бошланғич баҳоси — 134 844 000 сўм.***

**2.** Қарши тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2006 йил 23 январдаги 18-0503/8561-сонли, 2007 йил 12 мартдаги 18-0707/1075-сонли, 2008 йил 1 августдаги 18-0803/6361-сонли, 2009 йил 5 январдаги 18-0906/19969-сонли, 2009 йил 30 январдаги 18-0802/6469-сонли ҳамда 2009 йил 3 мартдаги 18-0905/1521-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Қарши туманининг Бешкент «Пахта тозалаш» ОҲЖга қарашли, Қарши шаҳри, Ғ. Ғулом МФЙ, А. Навоий кўчасида жойлашган, 3614,24 м³ майдонга тенг, 2 қаватли, 45 хонадан иборат маъмурий биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 79 874 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2009 йил 28 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Қашқадарё вилояти филиалининг «Турон» банки Қарши шаҳар бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000900571452110, МФО: 00192, СТИР: 200933850.

**Манзил: Қарши ш., М. Абдуллаева к., 20-уй.**
**Телефон: (8-375) 225-44-58.**

**III. РКМБ Хоразм вилояти филиалининг аукцион савдосига:**

Фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судининг 2007 йил 22 февралдаги 350-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Урганч шаҳри, «Авесто» мажмуасида жойлашган, Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги минтақавий лотереяни ташкил этиш тузилмасига қарашли бўлган, қурилиш ости ер майдони 1525,96 м² ташкил қилган 2500 ўринга мўлжалланган «Амфитеатр» биноси ва бостирмалари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 236 989 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2009 йил 8 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотекабанк»и «Тинчлик» филиали, МФО: 00580, СТИР: 200933850.

**Манзил: Хоразм вилояти, Урганч ш., Й. Бобожонов к., 23-уй.**
**Телефонлар: (8-362) 226-43-64, 226-32-63.**
**Факс: (8-362) 224-36-97.**

www.rkmb.uz

*Лицензия: DB 001 № 000004.*

791R/840



## «UZCARLSBERG» МЧЖ ҚК

ягона иштирокчисининг 2009 йил 16 июлдаги қарорига асосан, унинг номи

## «UZCARLSBERG» МЧЖга ўзгартирилди

ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 23 июлда 474-сон билан давлат реестрига киритилди.

789R/1099



“Росагропромснаб” МЧЖ

## ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 $м^3$/соатдан 500 $м^3$/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари



Маҳсулот сертификатланган.

**Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.**

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, Ц-даҳаси, 6-уй. Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

715К/1007


## ОБ-ҲАВО
(6 август)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 18-20, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.

***«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.***


CSP PIPELINE

## ПП «CHIRCHIQ SHANXAY PLAST»

ПРЕДЛАГАЕТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ



ДИАМЕТРОМ ОТ 16 ММ ДО 1 200 ММ ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ.

ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.

СКИДКИ ОТ ОБЪЕМОВ.

*Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет.*

Адрес: г. Чирчик, ул. Амира Темура, 22.
Головной офис: г. Ташкент, ул. Шайхантохур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК».
Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00, моб. (+998 93) 547-49-75, 995-19-99.
www. pipeline.uz, e-mail: sedou2006@yandex.ru

708Н/1016



## «ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона


Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси меҳнат фахрийси, Ўзбекистон халқ артисти **Эргаш КАРИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси Механика асослари ва муҳандислик графикаси кафедраси профессори **Садритдин Захритдинович ГУЛЯМИТДИНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 35388 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.40 1 2 3 5